

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ИНСТИТУТИ

Кафедра: “Информатика”

реферат

МАВЗУ: HTML тили

*Бажарди: 11-07 гуруҳ талабаси
Ю.Худойбердиева*

Қабул қилди: М.Ортиқбоев

Тошкент - 2009

1. HTML тили

1.3. HTML хужжатдаги матни форматлаш

- 1.3.1. Шрифт, унинг ўлчами ва рангини ўзгартирувчи теглар**
- 1.3.2. Шрифтнинг ёзилишини ўзгартирувчи теглар**
- 1.3.3. Матни текислаш теглари**
- 1.3.4. Рўйхатлар**
 - 1.3.4.1. Белгиланган (маркерланган) рўйхат.**
 - 1.3.4.2. Тартибланган (номерланган) рўйхатлар.**
 - 1.3.4.3. Таърифлар рўйхатлари.**
 - 1.3.4.4. Ичма-ич жойлашган рўйхатлар.**
- 1.3.5. Рўйхатлар матнини форматлашда <BODY> тегининг атрибути**
- 1.3.6. Махсус символларни ишлатиш**
- 1.3.7. Горизонтал чизик яратиш**

1.4. HTML хужжатга график объектни жойлаштириш

- 1.4.1. Тармоқ технологиясининг график форматлари**
- 1.4.2. График объектни Web-саҳифасига жойлаштириш**
- 1.4.3. Web-хужжатларда харита-тасвирлар**
- 1.4.4. HTML хужжатларда мультимедия**

2. HTML тилида матни тахрирлаш (ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ №1, Вариант №3)

3. HTML да таблица яратиш буйича амалий иши . (ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ №2, Вариант №3)

4. HTML да списка, гипермуружаат ва карталар (ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ №3, Вариант №3)

5. HTML да Фрейм структурасини куллаш (ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ №4, Вариант №3)

1. HTML тили

WWW учун ихтиёрий саҳифа бирор оддий матн муҳаррири – масалан «Блокнот» дастури - ёрдамида яратилган алоҳида матн файли кўринишида бўлиши мумкин. Windows операцион тизимида web-саҳифа файллари "htm" ёки "html" кенгайтмасига эга бўлади. Бундай файлларни яратиш учун қўлланиладиган қоидалар мажмуаси **HTML** (Hyper Text Mark-up Language-гиперматнни белгилаш тили) деб аталади. **HTML** форматидаги файлларни очиш жараёнида браузерлар тегларни талқин қилиш ва саҳифани ўз дарчасида яратувчиси қандай тасаввур қилган бўлса, ўшандай қилиб чиқариш имконига эга.

HTML стандарти Web учун яратилган бошқа стандартлар каби World Wide Web (World Wide Web Consortium, W3C) консорциуми раҳбарлиги остида яратилган. Керакли стандартлар ва спецификацияларни, шу жумладан HTML тили учун ҳам, <http://www.3w.org> сайтидан топиш мумкин.

1.3. HTML ҳужжатдаги матнни форматлаш

1.3.1. Шрифт, унинг ўлчами ва рангини ўзгартирувчи теглар

Матнни форматлаш компьютер экранда ҳужжатни кўринишини ўзгартиришнинг энг қулай усуллари ҳисобланади. Матнни форматлашнинг барча тегларини икки синфга ажратиш мумкин: жисмоний ва мантиқий форматлаш теглари. Кўпинча сиртдан ҳар хил бўлган теглар қўлланганда бир хил натижа бериши мумкин. жуфт теги шрифт параметрларини бошқариш имкониятини беради. У албатта куйидаги уч атрибутлардан бирини ўз таркибига олиши керак: COLOR, FACE, SIZE. Масалан, . Умумий ҳолда жуфт тегининг ёзиш синтаксиси куйидаги кўринишга эга:

FACE атрибути шрифтларнинг тўла комплектини беради. Бу атрибутнинг қиймати ва тегларининг орасига жойлаштирилган матнни кўриш учун режалаштирилган шрифт номи. Масалан, . Ушбу матн Arial шрифтидан фойдаланиб ёзилган .

Матнни экранга чиқариш учун зарур бўлган шрифтнинг ўлчамини SIZE атрибути кўрсатади. Бу атрибутнинг қиймати (параметри) абсолют ёки нисбий миқдорда берилиши мумкин. Параметр сифатида абсолют миқдор шрифт баландлигини пунктларда кўрсатувчи, 1 дан 6 гача бўлган ораликдаги бутун сон назарда тутилади. Нисбий миқдор эса, плюс ёки минус ишорали бутун сон бўлиб, браузер фойдаланаётган одатдаги шрифтга нисбатан ўлчам оширилиши ёки камайтирилиши зарур бўлган пунктлар сони. Масалан, . Ушбу матн, одатдаги ҳужжат матнига шрифтнинг катталигига нисбатан, икки пунктга кичик шрифт билан ёзилган /

Шрифт рангини ўзгартириш учун COLOR атрибути ишлатилади. Бу атрибут қийматининг ўрнига танланаётган рангга мос рақамли кодни ёки бу рангини

белгиловчи символик номини қўйишимиз мумкин. Шунини таъкидлаб ўтиш зарурки, жуфт тегидан фойдаланганда унинг атрибутларидан айримларини ташлаб юбориш мумкин.

1.3.2. Шрифтнинг ёзилишини ўзгартирувчи теглар

Одатда, одам бошқалар билан суҳбатлашганда у ёки бу сўзга урғу беради. Шундай қилиб, биз нимага алоҳида эътибор бериш кераклигини суҳбатдошимизга кўрсатамиз. Ёзма нутқда эса бундай имкониятдан ҳоли. Аммо, биз сўзларни ажратиб ёзишнинг турли усулларида фойдаланишимиз мумкин.

Матннинг зарур қисмини қалин (Bold) шрифт билан ажратиб кўрсатиш мумкин. Бунинг учун ва тегларидан фойдаланиш керак. Масалан: Ушбу матн қалин шрифт билан ёзилган . Айрим сўзларни тагига чизиш (Underline) мумкин. Бундай ҳолларда <U> ва </U> теглари қўлланилади. Масалан: <U> Ушбу матн сўзларининг тагига чизилган </U>. Кўп ҳолларда ажратиб кўрсатиш учун курсив (Italic) шрифти ишлатилади. Бунинг учун <i> ва </i> теглари хизмат қилади. Масалан: <i> Ушбу матн курсив (қия босма ҳарф) билан ёзилган </i>. Бу тегларни бир-бирининг ичига ёзиш мумкин. Масалан, матнни қалин курсив шрифт билан ажратиб кўрсатиш қуйидагича амалга оширилади: <i> Ушбу матн қалин курсив билан ёзилган </i>. Аммо, HTML тилининг яратувчилари бу теглардан эҳтиёткорлик билан фойдаланишни маслаҳат беради. Чунки, ҳамма браузерлардаги интерпретаторлар уларни тўғри тушуна олмайди. Шунинг учун ҳам уларга ўхшаш бўлган ва “манتيкий ажратиб кўрсатиш фармойишлари” деб аталувчи бошқа фармойишлардан фойдаланишни маслаҳат беради. Улар бир хил функция бажаради, аммо ёзиш синтаксиси бироз бошқачароқдир.

 матн курсив шрифт билан ёзилган .

 матн қалин шрифт билан ёзилган .

Матнни ажратиб кўрсатишнинг юқорида кўриб ўтилган теглардан ташқари, яна бирқанча матн унсирлари мавжуд бўлиб, улар турли усуллар билан фойдаланувчининг диққатини у ёки бу сўзларга қаратиш имкониятини беради. Уларнинг орасидан қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш зарур. Ҳужжатнинг бирор қисмидаги матнни устига чизиб чиқиш учун <STRIKE> жуфт теги ишлатилади. Бу тегнинг ёзилиш синтаксиси қуйидагича:

<STRIKE> Ушбу матннинг устига чизилган </STRIKE>. Матнни қаторнинг қуйи қисмига кичик ҳарфлар билан ёзиш имкониятини <SUB> жуфт теги беради. <SUB> тегининг ёзилиш синтаксиси қуйидаги кўринишга эга:

Матн1 _{Матн2}

Ушбу қатор браузернинг ойнасида қуйидаги кўринишга эга бўлади:
Матн1Матн2

Матнни қаторнинг юқори қисмига кичик ҳарфлар билан ёзиш учун <SUP> тегидан фойдаланилади. Бу тегнинг ёзилиш синтаксиси қуйидаги кўринишга эга:

Матн1 ^{Матн2}

Бу қатор кодларини қайта ишлаш натижасида қуйидагига эга бўламиз:
Матн1 Матн2

Матннинг ўзгармас (фиксирланган) шрифт билан ёзилган қисмини экранга чиқариш <TT> теги ёрдамида амалга оширилади. Матннинг фиксирланган шрифтлар билан ёзилган қисми телетайп усулда ёзилган матн (ёки қисқача талаётайп матни) деб атади. Бу шрифт асосан дастур матнини (листигини), экран формалари ва фойдаланувчининг фармойишларини. Бу тегнинг ёзилиш синтаксиси қуйидаги кўринишга эга:

<TT> Ушбу матн “телетайп” шрифти билан ёзилган </TT>. Матннинг бир қисмини катта ўлчамли ҳарфлар билан экранга чиқариш имкониятини <BIG> теги беради. Бу тегдан фойдаланиш натижасида нормал шрифтларнинг ўлчами бир пунктга ортади. <BIG> тегини ёзилиш синтаксиси қуйидагича:

<BIG> Ушбу матн одатдаги (нормал) шрифтдан бир пунктга катта шрифт билан ёзилган </BIG>.

Матннинг бир қисмини кичик ҳарфлар билан, яъни нормал шрифтдан бир пунктга кичик бўлган шрифтлар билан экранга чиқаришни <SMALL> теги амалга оширади. Бу тегни ёзилиш синтаксиси қуйидаги кўринишга эга:

<SMALL> Ушбу матн одатдаги (нормал) шрифтдан бир пунктга кичик ҳарфлар билан ёзилган </SMALL>.

Шуни ёдда тутиш керакки, матнни ажратиб ёзишда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Чунки, қалин, қия (курсив) ёки тагига чизилган шрифтлар билан ёзилган матн билан ишлаш анча қийин, уни ўқиш кўзни тез чарчатади ва диққатни тез-тез бўлиб туради. Шунинг учун агар сўзларни ажратиб ёзишни иложи борица камроқ ишлатиш, яъни фақат жуда зарур бўлган ҳоллардагина ишлатиш тавсия этилади. Шрифтнинг ёзилишини ўзгартирувчи тегларининг руйхати 2 – жадвалда келтирилган. Ахборот турини бошқариш тегларининг руйхати 2 – жадвалда келтирилган.

2-жадвал. Тасвирлаш шаклини бошқариш теглари

Тег	қиймат
<I>...</I>	Курсив (Italic)
...	Қалин (Bold)
<TT>...</TT>	Телетайп
<U>...</U>	Остига чизилган
<S>...</S>	Устидан чизилган
<BIG>...</BIG>	Катта ўлчамли шрифт
<SMALL>...</SMALL>	Кичик ўлчамли шрифт
_{...}	«Сатр ости» белгилар
^{...}	«Сатр усти» белгилар

3-жадвал. Ахборот турини бошқариш теглари

Тег	қиймат
<ABBR>...</ABBR>	Аббревиатура

<ACRONYM>...</ACRONYM>	Акроним
...	Типографик қалинлаштириш, ажратиш
<CITE>...</CITE>	Цитаталар
...	Кучайтириш
<CODE>...</CODE>	Кодни тасвирлаш(масалан,"дастур коди")
<SAMP>...</SAMP>	Белгилар кетма-кетлиги (намуна)
<KBD>...</KBD>	Клавиатурадан киритиш
<VAR>...</VAR>	ўзгарувчи
<DFN>...</DFN>	Таъриф
<Q>...</Q>	Қавсга олинган матн

Масалан:

қизил матн жорийсидан бир ўлчамга кичикроқ, шрифт номи "Times New Roman"

Матннинг негиз ўлчами <BASEFONT size="ўлчам"> тегида кўрсатилади.

Символларни жисмоний форматлашнинг бошқа теглари 2-жадвалда келтирилган, мантикийси – 3-жадвалда.

<BLINK> – матнни ўчиб-ёндиради. У фақат Netscape Navigator браузерда ишлайди. Жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак. Формати:

<BLINK> ўчиб-ёнувчи матн </BLINK>

<MARQUEE> – матнни ҳаракатлантиради (юқоридан пастга ёки у ёқдан – бу ёққа). Формати:

<MARQUEE behavior=alternate| scroll| slide direction=down| left| right| up > матн </MARQUEE>

behavior атрибути скроллинг (ҳаракатланиш) кўринишини аниқлайди: **alternate** – чапдан ўнгга тебраниш; **scroll** – матнни direction орқали кўрсатилган йўналишда ҳаракатлантириш, экран четига етган матн қарама-қарши томондан чиқиб келади; **slide** –scroll га ўхшаш, лекин матн фақат бир марта ҳаракатланади ва тўхтайтиди. **direction** атрибути скроллинг йўналишини аниқлайди: **down** – пастга; **left** – ўнгдан чапга (индалмаганда); **right** – чапдан ўнгга; **up** – юқорига.

1.3.3. Матнни текислаш теглари

Матнларни текислашнинг айрим усулларини 1-бўлимда кўриб чиққан эдик. Бу ерда юқорида кўриб ўтилган абзац тегининг атрибутларисиз матннинг

маълум бир қисмини текислаш фармойишларини кўриб чиқамиз. HTML тили броузер ойнасидаги ҳужжатнинг бир неча объектини маълум бир ўринларга жойлаштириш учун мўлжалланган тегларга эга. Web-саҳифасидаги объектларнинг маълум бир қисми экраннинг чап томонига нисбатан текислаш учун <LEFT> ва </LEFT> тегларидан фойдаланиш мумкин. Бу тегларнинг ёзилиши қуйидаги кўринишга эга:

<LEFT> </LEFT> Бу HTML кодларида ёзилган матннинг бир қисми <LEFT> ва </LEFT> тегларининг орасидаги ҳамма объектлар яъни матн, жадвал ва графиклар экраннинг чап томонига нисбатан текисланади.

HTML-ҳужжатдаги матн, жадвал ва график объектларнинг маълум бир қисмини экраннинг марказига нисбатан текислаш учун <CENTER> ва </CENTER> тегларидан фойдаланиш мумкин. Бу теглар қуйидаги кўринишда ёзилади:

<CENTER>

Бу HTML кодлари ёрдамида текисланган матннинг бир қисми

</CENTER>

Ушбу тегларнинг <CENTER> ва </CENTER> орасига ҳамма объектлар экраннинг марказига нисбатан текисланади.

Агар HTML-ҳужжатдаги объектларнинг қандайдир бир қисмини экраннинг ўнг томонига нисбатан текислаш зарурати туғилса, у ҳолда <RIGHT> ва </RIGHT> тегларида фойдаланиш мумкин. Бу тегларнинг ёзилиши ҳам юқоридан текислаш тегларига ўхшаш.

Энди кўриб чиқилган теглардан фойдаланиб матнни текислашга доир бир мисол кўрамиз.

<LEFT> HTML-ҳужжатдаги бошловчи ва тамомловчи LEFT жуфт теглари орасига ёзилган матнни ушбу қисми экраннинг чап томонига нисбатан текисланади.(Броузер ойнасида бу матн чап томонга нисбатан текисланади.)

</LEFT>

<RIGHT>

матннинг ушбу қисми эса RIGHT жуфт тегларининг орасига жойлашган бўлиб, у экранни ўнг томонига нисбатан текисланади. (Бу матн эса броузер ойнасида ўнг томонга нисбатан текисланган.) Бундай текисланган матнни ўқиш анча қийин, аммо у ўзига диққатни ўзига тез жалб қилади. Шунинг учун сарлавҳаларни ва эпиграфларни ёзишда улар кўп қўлланилади.

</RIGHT>

<CENTER>

Бу матн CENTER жуфт теглари орасига жойлашган, шунинг учун у экранни марказига нисбатан текисланади. (Бу теглар қисқа сарлавҳаларни форматлаш учун ишлатилади, аммо марказга нисбатан текисланган катта матнни ўқиш жуда қийин.

</CENTER>

Кўп ҳолларда тартибланган ахборот рўйхатлар кўринишида тақдим этиш жуда қўлай бўлади. Бунга бирор ишни бажариш учун кўрсатиш, объектлар ёки предметларни санаб ўтиш мисол бўлади.

1.3.4. Рўйхатлар

Рўйхатлар яратиш учун қуйидаги теглар мавжуд:

**** – белгиланган (маркированный);

**** – тартибланган (нумерованный);

**** – рўйхат элементларини санаш;

<LN> – рўйхат номи;

<DL> – таърифлар рўйхати;

Web-саҳифадаги рўйхатлар турли кўринишга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: белгиланган рўйхатлар, номерланган рўйхатлар, таърифлар рўйхатлари ва ичма-ич жойлашган рўйхатлар.

2.3.4.1. Белгиланган (маркерланган) рўйхат. Белгиланган (маркерланган) рўйхат яратиш теги ушбу форматга эга:

**<UL type = disc|circle|square title="сузиб чиқувчи ёрдам"> ... **

type атрибутида белгилаш маркери тури кўрсатилади: **disc** – бўялган доира (бошқа қиймат кўрсатилмаса); **circle** – айлана; **square** – квадрат.

Рўйхатнинг ҳар бир элементи **** тегидан бошланади, уни ёпмаса ҳам бўлади. Формати:

<LI type = "disc|circle|square">....

Белгиланган (маркерланган) рўйхат (Unordered List) қуйидаги кўринишга эга:

«ЯНГИ АВЛОД» ЎҚУВ МЕТОДИК МАРКАЗИ ҚУЙИДАГИ КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Компьютер саводхонлиги (Windows, Word, Exsel)
- Компьютер графикаси (PhotoShop, Coreldrew)
- Чет тили(инглиз, немис, француз)
- Банк иши
- Иш юрутувчи
- Тасвирий санъат

Бунга ўхшаш белгиланган рўйхатларни ташкил этиш учун HTML тилида **** жуфт тегидан фойдаланиш мумкин. Рўйхатнинг ҳар бир элементи олдин маълум бир белги (nullet) туриши керак. Бу **** ёрдамида амалга оширилади. Бунинг учун рўйхатнинг ҳар бир элементини қуйидагича ёзиш керак:

**** Рўйхатнинг бир элементи **.**

Сарлавҳа ёки рўйхатни белгилаш учун тилнинг **LN** элементидан фойдаланилади.

Содда мисол келтирайлик:

Рўйхат номи

- 1 - қиймат
- 2 - қиймат
-
- N - қиймат.

HTML тилида бундай белгиланган рўйхатни **** буйруғи ёрдамида қуйидагича кўрсатиш мумкин:

<UL type ="disc">

<LH> Рўйхат номи </LH>

 1 - қиймат

 2 - қиймат

....

 n - қиймат

2.3.4.2. Тартибланган (номерланган) рўйхатлар. Тартибланган рўйхат яратиш теги ушбу форматга эга:

<OL type = 1|A|a|i|i start=n title="сузиб чиқувчи ёрдам"> ...

Бу ерда ҳам **type** атрибутида белгилаш маркери тури кўрсатилади. **type** атрибутлари таркибига нинг қуйидаги буйруқлари киради:

"1" – оддий араб рақамлари 1, 2, 3,...;

"I" – бош ҳарфли I, II, III, IV,... рим рақамлари;

"i" – кичик ҳарфли i, ii, iii,... рим рақамлари;

"A" – бош A, B, C ва ҳоказо ҳарфли белгилаш;

"a" – кичик a, b, c ва ҳоказо ҳарфли белгилаш.

start атрибути қаердан бошлаб белгилашни кўрсатади. Масалан, агар **type** атрибути "1" га тенг бўлса ва **start** атрибути – "5" бўлса, рақамлаш 5 дан бошланади. Агар **type** "A", **start** эса – "D" бўлса, белгилаш D дан бошланади.

Рўйхатнинг ҳар бир элементи тегидан бошланади. Унинг **value** атрибути қиймати рўйхатдаги жорий элемент номерини ўзгартириш имконини беради, ўз-ўзидан кейинги элементларнинг ҳам номерлари ўзгаради.

Номерланган рўйхат (Ordered List) қуйидаги кўринишга эга:

OpenTextIndex машинасида қидирувни ташкил қилиш қуйидагича амалга оширилади:

1.Ихтиёрий узунликдаги сўз ёки жумлани words (алоҳида сўзлар), phrase (жумла, ибора) боксларидан танлаб қидирув қолипнинг биринчи ойнасига киритилади.

2. Берилган сўз ёки ибора бўйича қидирув бажарилиши керак бўлган, Web-ҳужжатнинг соҳаси танланади (келтирувчи опциялар қуйида қайд этилади).

3.Қидирув жараёнида биттадан ортиқ ибора ёки атамалар ишлатилганда, қидирув терминларини бирлаштириш учун (AND, OR, BUT, NOT) логик операторларидан фойдаланиш мумкин.

4.Қолипни тозалаш ва янги қидирувни ташкил қилиш учун Clear тугмаси (конпкаси) босилади.

5.Янги қидирувни бошлаш учун Search тугмаси босилади.

Бу каби номерланган рўйхатларни ташкил этиш учун HTML тилда жуфт тегидан фойдаланиш мумкин.

Масалан:

<OL type=A start=3>

<LH>Фан номлари</LH>

 Физика

Тарих

<LI value=7>Информатика

Математика

Браузерда бу ушбу кўринишда бўлади:

Фан номлари
C. Физика
D. Тарих
G. Информатика
H. Математика

1.3.4.3. Таърифлар рўйхатлари. Таърифлар рўйхатларида ҳар бир қиймат учун икки сатр ажратилади. Иккита элемент: **DT** – аниқланувчи атама (Definition Term) ва **DD** – таъриф тавсифи (Definition Data) ёрдамида ҳар бир қиймат аниқланади.

Таъриф(атама ва уларнинг тавсиф)ларнинг стандарт рўйхати:

<DL>

<LH>Рўйхат номи</LH>

<DT> 1 атама номи

<DD>1 атама тавсифи

<DT> 2 атама номи

<DD> атама тавсифи

...

</DL>

<DL> теги рўйхатни ихчамловчи шарт бўлмаган **compact** атрибутини ишлатиши мумкин. Жуда катта рўйхатларда ишлатиш учун қулай. У байроқча бўлиб қиймат талаб этмайди.

Масалан:

<DL compact>

<DT>Амазонка<DD> Жанубий Америкадаги дарё

<DT>Қуёнлар<DD>Қуёнсимонлар оиласига тааллуқли сут эмизувчи

...

</DL>

Унинг браузердаги кўриниши:

Амазонка
Жанубий Америкадаги дарё
Қуёнлар
Қуёнсимонлар оиласига тааллуқли сут эмизувчи

1.3.4.4. Ичма-ич жойлашган рўйхатлар. Ичма-ич жойлашган рўйхатлар (Nested Lists) қуйдаги кўринишга эга: Pascal тилида сонли маълумотларнинг асосий типларига қуйидагилар киради:

1. Бутун сонлар:

- Shortint;
- Integer;
- Longint;
- Byte;
- Word.

2. Ҳақиқий сонлар:

- Real;
- Single;
- Double
- Extended.

Бунга ўхшаш ичма-ич жойлашган рўйхатларни ташкил этиш HTML тилда қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

<P>

Pascal тилида сонли маълумотларнинг асосий типига қуйидагилар киради:

 Бутун сонлар

 Shortint;

 Integer;

 Longint;

 Byte;

 Word.

 ҳақиқий сонлар

 Real;

 Single;

 Double

 Extended.

</P>

1.3.5.Рўйхатлар матнини форматлашда <BODY> тегининг атрибути

HTML-ҳужжатнинг асосий қисмини кўрсатувчи <BODY> теги ҳақида олдинги бўлимда гапирилган эди. Шунинг қўшимча қилиб айтиш керакки, бу фармойиш ҳам атрибутларга эга бўлиши мумкин. Унинг атрибутларидан фойдаланиш кўп ҳолларда жуда фойдали бўлади, айрим ҳолларда эса0бу зарур. Умумий ҳолда <BODY> жуфт тегининг ёзилиш синтаксиси қуйидаги кўринишга эга:

<BODY BACKGROUND="URL" BGCOLOR="қиймат1" TEXT="қиймат2" LINX="қиймат3" VLINX="қиймат4" ALINX="қиймат5">

HTML-ҳужжатиинг асосий қисми

</BODY>

Бу ерда BACKGROUND атрибути Web-саҳифасига қандайдир бир фон (саҳифанинг орқа планида кўриниб турадиган қисми) тасвирни жойлаштириш учун хизмат қилади. Фон тасвири жойлашган URL бу атрибутнинг қиймати сифатитда ёзилади. URL қийматини Интернетнинг тўлиқ адреси кўринишда (масалан, “http://www.TashServer.uz/images/файл_ном.gif”), ёки ушбу тавир сақланаётган ҳозирги (сиз ишлаб турган) сервер директориясига бо ишни кўрсатувчи йўлни қисқача адреси кўринишда (масалан, “.../images/файл_ном.gif”). Агар фон тасвирини сақловчи файл билан ундан фойдаланувчи HTML файл бир папкада жойлашган бўлса, у ҳолда фақат график файлнинг номини кўрсатиш мумкин.

TEXT атрибути ёрдамида ҳужжатнинг ҳамма қисми учун матн рангини бериш мумкин. Аммо, шуни ёдда тутиш керакки, <BODY> тегида ушбу атрибут билан тайинланган (берилган) ранг ҳужжатни маълум бир қисмида фармойишини COLOR атрибути билан ўзгартириш мумкин.

Ҳужжатнинг ҳамма қисми учун фон рангини BGCOLOR атрибути ёрдамида амалга оширилади. Бу ҳолда кўрсатилган рангга Web-саҳифанинг ҳамма қисми яхлит бўялади. BGCOLOR ва BACKGROUND атрибутлари бирга ишлатилиши ҳам мумкин, аммо охириги атрибут приоритетга (устунликка) эга. Агар ҳар иккала атрибут берилган бўлса, у ҳолда аввал Web-саҳифа BGCOLOR атрибути билан берилган ранг билан бўялади ва уни устига BACKGROUND атрибути билан берилган тасвир жойлаштирилади.

Ҳали кирилмаган гепирюборишнинг рангини жойлаш имкониятини LINK атрибути беради. Одатда, унга “blue” (#0000FF) қиймати берилади. Ўз навбатида VLINK атрибути кирилган юборишни (ссылка) рангини кўрсатади. Одатда у “purple”(#800080) қийматига эга. ALINK атрибути эса фаол гиперюбориш рангини, яъни гиперюборишнинг устига сичқонча кўрсаткичини келтириб, сўнг унинг тугмачасини босган лаҳзадан бошлаб, то чақирилаётган ресурс юклангунгача бўлган лаҳза орасидаги рангни кўрсатиш учун хизмат қилади. Одатда бу атрибут ҳам “purple” қийматига эга бўлади.

Кўриниб турибдики, <BODY> атрибутларининг ҳаммаси, BACKGROUND атрибутидан ташқари, рангларни кўрсатиш учун ишлатилади. Кўриб чиқилган ҳамма атрибутларга эга бўлган <BODY> теги қуйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин:

```
<BODY BACKGROUND="http://www/tashserver.uz/images/NGDREV.GIF"
  BGCOLOR="#000000 TEXT="FFFFFF" LINK="#008000"
  VLINK="#800080" ALINK="FF0000">
```

HTML-ҳужжатнинг асосий қисми </BODY>

1.3.6. Махсус символларни ишлатиш

Теглардан ташқари, HTML элементларига HTML ҳужжатларда браузер тарафидан нотўғри талқин этилиши мумкин бўлган махсус символларни

ишлатишга мўлжалланган CER (Character Entity Reference) ҳам киради. Айтайлик биз браузерга тил ҳақидаги шу ҳужжатни тақдим этсак, у <BODY> ёзувни албатта буйруқ шаклида тушунади, биз эса шу тег ҳақидаги сатрларни киритмоқчимиз. Мана шу ўринда CER дан фойдаланилади.

Масалан, HTML ҳужжатда "<" белгини киритиш учун, уни < га, ">" ни эса > га алмаштириш лозим. Яъни агар матнда <BODY> HTML сатри берилса, экранга <BODY> чиқади.

Ҳар бир махсус символ "&"-амперсантидан бошланади. CER номлари символлар регистрига аҳамият беради, уларни ном кўринишидан ташқари уларни 3 хонали кодлари кўринишида ҳам бериш мумкин &#nnn;. 4-жадвалда тез-тез ишлатиладиган CER лар ва уларнинг сонли кодлари келтирилган.

4-жадвал. Махсус символлар

Сонли код	Номли кўриниш	Символ	Таъриф
"	"	"	Қавс
&	&	&	Амперсанти
<	<	<	Кичик
>	>	>	Катта
 	 		Узлуксиз бўш жой
¡	¡	!	Тескари ундов белгиси
¢	¢	¢	Цент
£	£	£	Фунт
¤	¤	¤	Валюта
¥	¥	¥	Йена
¨	¨	¨	Умляут
©	©	©	Копирайт
«	«	«	Чап бурчак қавс
®	®	®	Қайд этилган савдо маркаси
°	°	°	Градус
±	±	±	Плюс - минус
»	»	»	Ўнг бурчак қавс

1.3.7. Горизонтал чизик яратиш

Горизонтальная линия создается с помощью одиночного тега <HR>. Этот тег вводит на экран горизонтальную линию, которая может служить для логического разделения саҳифаў. Имеет следующие необязательные атрибуты:

align = center|left|right|, бошқа қиймат кўрсатилмаганда left га тенг;

size – баландлик ўлчами, бошқа қиймат кўрсатилмаганда 2 га тенг;

width = n|m% - узунлик, пиксел ёки процентларда кўрсатилади;

noshade ҳеч қандай қиймат қабул қилмайди, бирор ранг билан тўлдиради.

Мисоллар:

```
<hr>
```

```
<hr align=center size=3 width=50>
```

```
<hr align=right size=4 width=30% noshade>
```

1.4. HTML ҳужжатга график объектни жойлаштириш

1.4.1. Тармоқ технологиясининг график форматлари

Кўп ҳолларда график иллюстрациялар Web-ҳужжатларнинг ажралмас қисми бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги пайтда Web-саҳифада график элементларни тасвирлаш учун асосан икки хил форматдан фойдаланилади. Улар GIF ва JPEG фарматларидир. Ҳозирги пайтда Интернетдаги график объектларнинг 90 фойизи GIF ва JPEG фарматларида сақланади. Web-саҳифаларини компютер экранда кўрсатиш (акс этириш) учун мулжалланган график браузерларнинг ҳаммаси бу форматдаги файллар бошқа файллардан ажрата олади ва уларни экранга акс эттиради. Бу форматлар учун тасвир сифатини йуқотиш ҳисобига, у сақлаётган файл ўлчамини камайтириш алгоритмлари асос қилиб олинган.

GIF фармати 1978 йилда икки исроиллик олим –Якоб Зиф (Jacov Ziv) ва Абрахам Лемпел (Abraham Lempel) маълумотларни йуқотмасдан ахборотлар ҳажмини қисқартиришнинг принципиал янги алгоритминини ишлаб чиқдилар, ва унга LZ78 деб ном бердилар. Бу алгоритмнинг тузилиш принциплари ҳақидаги ахборот ҳамма учун очик эди.бунинг натижасида америкилик дастурловчи Терри Уэлч (Terry Welch) уни мукаммаллаштирди ва янги алгоритм номига ўз фамилиясинини бош ҳарфини қўшиб, уни LZW номи билан патентлади. У ҳам Якоб Зиф ҳамда Абрахам Лемпел каби ўз алгоритминини ҳамма ҳохловчилар учун фойдаланишга тақдим этди.

Бундай “ҳохловчилардан” бири CompuServe Inc. компаниясининг ходими Боб Берри (Bob Berry) бўлиб, у 1987 йилда LZW асосида принципиал янги график форматини яратди. Бу график формат GIF (Graphic Interchange Format) маълумотларни қисқартириш учун LZW алгоритмидан фойдаланди ва бу жараён айрим адабиётларда компрессия деб аталди. Бу пайтларда Терри Уэлч томонидан ташкил қилинган Unisys компанияси (LZW алгоритмининг авторлик ҳуқуқи унга тегишли булгани учун) фақат компютер учун аппарат таъминотинини ишлаб чиқувчилар GIF стандартдан фойдаланганликлари учун маълум бир миқдорда ҳақ берар эди. Масалан, модемларни ишлаб чиқарувчилардан ўшбу стандартдан фойдаланганлари учун. Дастурий таъминотни ишлаб чиқарувчилардан “коммисион туловлар” олинмас эди.

Аммо 1994 йилнинг қишда Unisys компанияси молиявий муаммога дуч келди ва LZW стандартдан фойдаланиш тижорат асосида амалга оширилишинини эълон қилди, натижада фойдаланувчилар ҳақ тўлашга мажбур бўлди. Бу автоматик равишда GIF форматинини дунёда биринчи “пуллик” график форматига айлантирди ва Internet фойдаланувчилари орасида норозилик тўлқини пайдо бўлишига сабаб бўлди. Чунки, бу даврда Web-саҳифаларининг жуда катта қисмига GIF элеменлари тадбиқ қилинган эди. Шунга қарамасдан GIF график фармати ҳозирги кунда ҳам Internet тармоғида жуда кенг фойдаланиладиган форматлардан бири. Бундан ташғари бу форматдаги график

объектини Web-саҳифага жойлаштирган одам ҳеч қандай тўлов тўлашга мажбур эмас, чунки юқорида келтирилган молиявий талаб, биринчи навбатда GIF билан ишлайдиган дастурий таъминотни ишлаб чиқарувчиларга тегишлидир. Бу стандартнинг келажак тақдирини белгиловчи ҳолат ҳозирда ҳал қилинган.

LZW алгоритмининг имкониятлари туфайли GIF стандарти яқуний график файл ҳажмини бошланғич тасвирга нисбатан сезиларли даражада қисқартириш имкони ҳосил бўлади. Бу жуда ўхшаш рангларни бирга қўшиб юбориш усули билан амлага оширилади. Масалан, агар расмнинг таркибида бир неча ўхшаш (мисол учун ҳаво ранг, оч ҳаво ранг, тўқ ҳаво ранг) иборат парчалар мавжуд бўлса, улар бир хил, яъни ҳаво ранг билан кодлаштирилади. Тасвир ҳақидаги ахборот GIF стандартининг файлда сатр(қатор) бўйлаб ёзилади, яъни бир пекисл баландлигидаги сатрларни таснифловчи массивдан иборат. Ушбу формат фиксирланган, бошқача айтганда индекслаштирилган палитрага таянади. Аммо бу палитрадаги рангларнинг сони 256 дан ошмайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, HTML ҳужжатларда GIF стандартдан фақат чизилган график объектларни, яъни диаграммалар, чегаралловчи чизиқлар, тугмачалар ва саҳифани безовчи бошқа элементларни компьютер экарнида акс эттириш учун ишлатилади. Бошқа ҳолларда, масалан, орфографикалар ёки жуда катта микдордаги хилма-хил ранглardan ташкил топган тасвирни Web-саҳифага жойлаштириш учун JPEG форматидан фойдаланилади.

JPEG формати. Бу форматни таклиф қилган тадқиқотчилар гуруҳи (Joint Photographic Experts Group) шарафига JPEG номи қўйилган ва “Джей-пег” деб ўқилади. Ушбу график стандартни тасвир сифатини йўқотмасдан унинг ҳажмини қисқартириш учун мўлжалланган JPEG алгоритми асосида яратилди. У бир-бирига айнан ўхшаш бўлмаган элементларни худди LZW алгоритми каби кодлаштиради, аммо пексиллар орасидаги интервал бошқача кодлаштирилади. JPEG формат билан берилган файлдаги тасвирни қисқартиришнинг соддалаштирилган механизми қуйидаги кўринишга эга. Қисқартиришнинг биричи поғонаси тасвирни LAB рангли образга айлантиришдан иборат бўлиб, у расмни 3 мустақил каналга ёйиб беради. Улардан бири (Ligntness) ранглар интенсивлигини сақлаш учун, қолган иккиси (A ва B) эса-бевосита ранг ҳақидаги ахборотни сақлаш учун ажратилади. Бунда ранглар ҳақидаги маълумот узлуксиз спектр принципи асосида ташкил шкала кўринишида сақланади. Қисқартиришнинг иккинчи поғонаси қуйидагича амалга оширилади: биринчи поғонада ҳосил қилинган ранг моделидан ранг ҳақидаги ахборотнинг тахминан тўртдан уч қисми олиб ташланади, сўнг образ 8x8 нуқталар ўлчамидаги қисмларга бўлинади ва сонли маълумотлар массивига айлантирилади. Ҳар бир блокнинг сарлавҳаси қисмнинг асосий рангини тасвирлайди ахборотнинг қолган қисми эса кам фарқ қилувчи ранглар таснифлайди. Қисқартиришнинг учинчи поғонасида эса иккинчи даражали рангларни таснифловчи ахборотнинг маълум бир қисмини маълумотлар массивидан олиб ташлайди. Бунда олиб ташланадиган маълумотларнинг микдори натижавий тасвирни фойдаланувчи танлаган сифатдан боғлиқ. Охириги

поғонада тайёр бўлган файл Хавфман алгоритмига мувофиқ қисқартирилади. JPEG файлни декомпрессия қилиш тескари тартибда амалга оширилади.

1.4.2.График объектни Web-саҳифасига жойлаштириш

Web-саҳифада тасвирлардан қуйидагича фойдаланиш мумкин:

- иш юритиш саҳифаларида компания логотипи(белгиси) сифатида;
- реклама эълнлари графикаси сифатида;
- турли тасвир кўринишида;
- диаграмма ва графиклар сифатида;
- бадий шрифтлар сифатида;
- саҳифа муаллифи имзоси сифатида;
- график сатрдан горизонтал бўлувчи сифатида;
- график маркерлардан чиройли белгилаб чиқилган рўйхатлар

яратишда.

Браузерлар тасвирларнинг ушбу GIF, JPEG, PNG ва BMP форматлари билан ишлайдилар. Лекин BMP формати катта жой эгаллаши сабабли улардан фойдаланмаслик мақсадга мувофиқ бўлади. Web да энг кўп ишлатиладиган график форматлар являються GIF ва JPEG форматларидир. Фотография сифатини JPEG формати таъминлайди. GIF формати икки рангли (оқ-қора) ёки рангли фотографик тасвирлар учун жуда ҳам мос эмас. Унинг ёрдамида кўпроқ кам ранг ишлатилган контур тасвирлар сақланади. У яна шаффофлик ва анимация учун қулай.

HTML хужжатга график объектни жойлаштириш тегидан фойдаланиб амалга оширилади. Бу тегнинг ёзилиши қўйдаги кўринишга эга:

```
<IMG SRC="URL" ALIGN="қиймат" WIDTH="қиймат" HEIGHT="қиймат"
      ALT="матн">
```

Бу ерда SRC атрибутининг қиймати сиз Web-саҳифага жойлаштирмоқчи бўлган график объектни адреси. Агар сиз саҳифага жойлаштирмоқчи бўлган расм бошқа серверда бўлса, у ҳолда бў атрибутнинг қиймати тўлиқ URL кўринишида (масалан, <http://www.tdiuserver.uz/myimages/picturename.gif>) берилади. Агар у локал серверда яъни Web-саҳифа ва унга қўйилаётган расм бир серверда жойлашган бўлса, у ҳолда SRC атрибутининг қиймати қисқартирилган URL кўринишида (масалан, "... /images/picturename.gif ") берилади.

Бу тегнинг ALIGN атрибути ёрдами билан расмни HTML- хужжат ёки жадвал катагидаги маълум бир позицияга жойлаштириш амалга оширилади. Ушбу атрибутнинг традицион қийматлари (CENTER, LEFT, RIGHT) билан бир қаторда, унинг бошқа қийматлари ҳам теги билан бирга ишлатилиши мумкин. Атрибутнинг бу қийматлари график объектни маълум бир сатрга жойлаштирганда уни матн билан ҳзаро таъсир режимини кўрсатиш учун хизмат қилади. Бу ҳолда у қўйдаги қийматларни қабул қилади:

- агар ALIGN="TOP" берилган бўлса, у ҳолда график объектнинг юқори чети жадвал катагининг юқори чегараси бўйича ёки матн сатрининг юқори чегараси бўйича текисланади.

- агар `ALIGN="BOTTOM"` берилган бўлса, у ҳолда график объектнинг қўйи чети жадвал катагининг қўйи чегараси бўйича ёки матн сатрининг қўйи чегараси бўйича текисланади.
- агар `ALIGN="MIDDLE"` берилган бўлса, у ҳолда график объектнинг маркази асосий сатрининг ўртаси бўйича ёки жадвал катагининг ўртаси бўйича текисланади.
- агар `ALIGN="BASELING"` берилган бўлса, у ҳолда график объект шартли “асосий чизик” бўйича текисланади. Агар HTML ҳужжатга бир неча расмни ёки бир расмнинг бир неча парчаларини жадвалнинг турли катакларига жойлаштириш зарур бўлган ҳолларда бу параметрдан фойдаланиш маслаҳат берилади.

График объектни Web-саҳифага жойлаштирганда у ўз ўлчамларини ўзгартирмайди. Кўп ҳолларда расмни HTML ҳужжатга қўшганда уни масиштабини ўзгартириш зарурияти пайдо бўлади. Бунинг учун `HEIGHT` ва `WIDTH` атрибутларидан фойдаланиш мумкин. Бу атрибутлар HTML ҳужжатга қўшилаётган график тасвирнинг баландлиги (`HEIGHT`) ва кенглигини (`WIDTH`) кўрсатади. Бу атрибутларнинг қиймати пикселлар сони билан берилади.

Расмлар билан безатилган Web-саҳифаларни яратаётганда бу тасвирларни кўриш воситасига ҳамма ҳам эга эмаслигини ҳисобга олиш керак. Кўп ҳолларда фойдаланувчилар ҳужжатни қабул қилиш вақтини камайтириш мақсадида броузернинг график режимини узиб қўядилар. Ҳар иккала ҳолда ҳам, агар расмда нима тасвирланганини кўриб бўлмаса, унда нима тасвирланганинибилиш учун уни ўқиш имкониятини бериш керак. Ана шу мақсадда альтернатив матндан фойдаланилади. Альтернатив матн — бу тасвирнинг қисқача таснифидан иборат бўлиб, ундан қўйдаги ҳолларда расмнинг ўрнида кўриш учун фойдаланилади: 1) агар броузер график объектни экранда акс эттириш имкониятига эга бўлмаса; 2) агар броузер график объектлар билан ишлаш режими узиб қўйилган бўлса. Альтернатив матнни кўриш учун сичконча курсорини бир неча секунд тасвирнинг устида қимирлатмасдан тўриш зарур. `<IMG>` тегида альтернатив матн `ALT` атрибутининг қиймати кўринишда берилади.

Юқорида кўриб утилганлардан ташқари `<IMG>` тегида қўйдаги атрибутлар ишлатилади:

vspace — тасвир ва матн орасидаги пикселлар билан ифодаланувчи вертикал масофани беради. Тасвир ёнларига матн ёзиш имкони учун зарур;

hspace — тасвир ва матн орасидаги пикселлар билан ифодаланувчи горизонтал масофани беради.;

border - тасвирнинг пикселлардаги рамкаси(чегара чизиклари). Унинг ҳам кўрсатилиши шарт эмас;

align — тасвирни сатрнинг қайси қисмига чиқариш:

- **left** — чапга. Ҳатто тарафидан ёзиш мумкин;
- **right** - ўннга. Чап тарафидан ёзиш мумкин;
- **top** ва **texttop** — тасвирнинг юқори чегарасини матн сатри юқори чизигига текислаш;
- **middle** — сатр негиз чизиги ўртасини тасвир марказига мослаб чиқариш;

- **absmiddle** - жорий сатр ўртасини тасвир марказига мослаб чиқариш;
- **bottom** ва **baseline** – жорий сатр негиз чизиғини тасвирнинг остки чизиғига мослаб чиқариш;

- **absbottom** - жорий сатр остки чизиғини тасвирнинг остки чизиғига мослаб чиқариш;

name – жорий хужжат учун тасвирнинг уникал ихтиёрий (рақам ва лотин ҳарфларидан, пробелсиз)номини аниқлайди. Агар сиз тасвирга, масалан JavaScript-сценарийлардан, мурожаат этмоқчи бўлсангиз номни кўрсатиш шарт;

lowsrc – SRC параметрида кўрсатилганига нисбатан пастроқ сифатли(ва ҳажмли!) альтернатив тасвири файлининг (URL) адресини беради. Бу параметр билан ишлай оладиган браузерлар олдин LOWSRC тасвири чиқарадилар, кейин уни SRC га алмаштирадилар;

usemap – тасвирга MAP элементида кўрсатилган навигацион харита (image map) ни қўллайди;

ismap – тасвири сервер ишлатадиган навигацион харита (image map) сифатида аниқлайди. Уни фақат тасвир гипермуурожаат бўлганидагина ишлатган маъқул. Сичқон тугмаси курсор тасвир устидалигида босилса, шу нуқтанинг х,у координатлари серверга жўнатилади. Шу координатларга қараб сервер у ёки бу гипермуурожаатли хужжатни очиб беради. Бу параметр – байроқча, қиймат талаб қилмайди. Лекин сервер учун навигацион хариталарни имкон борида яратмаслик мақсадга мувофиқ;

dynsrc – видео файлларни кўриш имконини беради. Барча браузерларда ишлайди. Масалан:

```
<img dynsrc=my1.avi src=my1.jpg width=100 height=100>
```

Агар бу мисол Internet Explorer ёрдамида ишлатилса 100x100 дарчада avi файл кўрсатилади. Агар мабодо браузер **dynsrc=** параметри билан ишламаса экранга jpg тасвир чиқади.

Web-мастерларнинг олтин қонуни – доимо **height** ва **width** ўлчамларини аниқ кўрсатиб, тасвир юкланишидан олдинроқ браузерда дарча ажратишдир. Акс ҳолда хужжат ҳар бир тасвир учун янгидан чизилаверади, паст тезликли машиналар ва модемлар учун бу нохуш ҳолатдир.

Бир вақтнинг ўзида барча параметрлар биргаликда ишлатилиши мумкин, масалан:

```

```

Бу мисолда расм чапга чиқарилади, ўнгидан 30 пиксел нарида матн ёзилади ва юқоридан 5 пиксел масофа қолади. Агар унга курсорни келтирсангиз"менинг расмим " деган ёзув чиқади.

1.4.3.Web-хужжатларда харита-тасвирлар

IMG элементи алоҳида қисмлари гипермуурожаатлар билан боғланган тасвирлар билан ишлаш ва муурожаатлар бўйича ўтиш имконини беради. Бу тасвирнинг турли қисмлари турли HTML-файлларга ўтади. Улар **ХАРИТАЛАР** деб аталади. Клиент машинси браузерни томонидан ишлов бериладиган бу тасвирлар **MAP** ва **AREA** элементлари ёрдамида яратилади ва тасвирнинг фаол

бўлаклари кўринишидаги гипермуружаатларга айланади. Улардан фойдаланиш учун **IMG** элементининг **USEMAP** параметри ишлатилади.

Харитани умумий аниқлаш учун очиш-ёпиш **MAP** тегларидан фойдаланилади. Теглар ичида ишлатилиши шарт бўлган ягона атрибут **name="Харита номи "** дан фойдаланилади. Хаританинг соҳалари **MAP** теглари ичига ҳар бир соҳа учун алоҳида киритилган тоқ **AREA** элементлари орқали аниқланади. Шаблони:

```
<MAP name="...">
```

```
<AREA>
```

```
...
```

```
<AREA> </MAP>
```

AREA теги атрибутлари:

shape –навигацион соҳа шаклини аниқлайди. Оладиган қийматлари:


- **rect** – тўртбурчак;
- **circle** - доира;
- **poly** – кўпбурчак.

Шаклнинг танланишига қараб **coords** параметрида координатларни бериш ҳам ўзгаради.

coords – харитадаги навигацион соҳанинг координатларини аниқлайди.

Турли соҳалар учун координатларни бериш усуллари (8-чизма):

- *shape="rect" coords="чанги x, юқorigи y, ўнгги x, қуйи y";*
- *shape="circle" coords="марказий x, марказий y, радиус";*



8-чизма. Харита мисоли

- *shape="poly" coords="x1,y1,x2,y2,x3,y3,...";*

href – соҳани гипермуружаат сифатида аниқлайди. қиймат (URL) муружаати кўринишида берилади.

target – гипермуружаат кўрсатаётган дарча (фрейм) ни аниқлайди. У фақат href параметри билан бирга ишлатилади. Қабул қиладиган қиймати ё мавжуд фреймлардан бирининг номи, ёки А элементининг target параметрида айтиб ўтилган махсус номлардан бири бўлиши мумкин.

noreferrer – соҳа фаоллигини (**href** ишини) бекор қилади, .

alt – шу соҳа учун муқобил ёрдамчи матнни аниқлайди.

Харитани тасвирга боғлаш учун тасвир киритилаётганда usemap="#харита_номи" атрибутидан фойдаланиш керак:

```

```

Масалан:

```

```

... Матн ...

```
<map name="харита1">
```

```
<AREA nohref shape="circle" coords="80,70,40">
```

```
<area href="document.html" shape="rect" coords="25,36,114,98"> </map>
```

1.4.4. HTML хужжатларда мультимедия

Саҳифада аудио ва видео ишлаши учун **<EMBED>** ва **<OBJECT>** тегларидан фойдаланамиз.

<EMBED> теги html стандартида кўрсатилмаган, лекин кўпчилик браузерлар томонидан қўлланади. У MID, WAV, AIFF, AU кенгайтмали товуш файллари ва AVI кенгайтмали видеофайлларни ишга туширади.

<EMBED> теги IMG элементи билан бир хил қуйидаги бирнеча параметрларга эга: **name, align, alt, border, width, height, hspace** ва **vspace**.

<EMBED> тегининг қуйидаги атрибутлари бўлиши мумкин:

src=URL – бўлиши шарт параметр, киритилаётган объект файли номини аниқлайди;

autostart=false|true – файлни автомат равишда ишга тушириш;

loop= false|true – ишлатилишлар сони: true – видео(аудио)ни узлуксиз ишлатилиши, false – фақат бир марта, бирор сон кўрсатилса, Netscape шунча марта ишлатади, Internet Explorer эса узлуксиз ишлатади;

pluginspace – **src** параметрида турлари саналган файлларни кўрсатиш ё эшиттириш учун зарур plug-in дастурни топиш (URL) адресини беради;

palette – объектни кўриш учун ранглар палитрасини аниқлайди. У фақат палитраси 256-рангли Windows-машиналарда ишлайди. Оладиган қийматлари:

- **background** – объектни кўрсатиш учун background-палитрани (бошқа ҳолат кўрсатилмаганда) ишлатиш;

- **foreground** – объектни кўрсатиш учун foreground -палитрани ишлатиш;

hidden= false|true – объектни кўрсатмаслик(true) ёки кўрсатишни(false) аниқлайди, қиймат берилмаган бўлса false қабул қилинади.

type – юкланаётган объектнинг турини аниқ кўрсатиб, керакли восита (plug-in) ни аниқлашга ёрдам беради. Қиймат сифатида қайд этилган файлнинг MIME-тури олинади.

<EMBED> теги билан ишламайдиган браузерларда **<NOEMBED>**, **</NOEMBED>** жуфт теги ишлатилади.

Масалан:

```
<embed src=1.avi width=100 height=100 align=left autostart=false loop=true>
```

```
<noembed> Сизнинг браузерингиз "embed"теги билан ишламайди</noembed>
```

ёки

```
<embed src=1.wav HIDDEN width=100 height=100 align=left autostart=false  
loop=true>
```

```
<noembed> Сизнинг браузерингиз "embed"теги билан ишламайди  
</noembed>
```

<BGSOUND> теги саҳифа учун фон товуш беради, яъни саҳифа кўриниши билан эшитилиб турадиган товуш, бу гап Netscape браузерлари учун ўринли эмас. Фрагмент неча марта такрорланишини кўрсатувчи **loop** атрибут бўлиши мумкин. Масалан:

```
<BGSOUND src="music/osen.mid" loop="3">
```

<OBJECT> теги ҳам кўпчилик браузерлар томонидан қўлланмайди. У ҳам аудио, ҳам виде файллардан фойдаланиш учун ишлатилади. Агар браузер бу тегни қўлламаса, унда **<OBJECT>** ва **</OBJECT>** теглари ичига олинган матн кўринади.

<OBJECT> тегининг ушбу атрибутлари бор:

data=адрес ва ном;

plug-in(аудио/видео/... файллар учун);

width= объект кенглиги;

height= объект баландлиги.